

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ № - 1

«7» 03 2022 йил

Наманган шаҳар

Наманган Давлат университети академик лицейи

(Корхона номи)

(кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан Д.Хақимов ва ICE MILK МЧЖ
(Корхона номи)

(кейинги ўринларда “Хизмат курсатувчи” деб юритилади) номидан Б.Ақпаралиев __
(шартнома тузишни расмийлаштиришга ваколатли шахснинг Ф.И.Ш.)

мазкур Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

I. Шартнома мавзуси

1.1. Хизмат курсатувчи ва буюртмачи уртасида тузилган хизмат шартномаси бўйича курсатилган хизмат эвазига Ижрочи Буюртмачининг топшириғига кўра мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган хизматларни кўрсатиш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Ижрочи кейинги ўринларда “Хизматлар” деб аталадиган қуйидаги хизматлар кўрсатиш мажбуриятини олади: Академик лицейда укувчиларни имтиёли овқатлантириш

1.3.1. Хизматлар Буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан Хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин кўрсатилган деб ҳисобланади.

II. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Ижрочининг мажбуриятлари:

2.1.1. Хизматларни лозим бўлган сифатда бажариш.

2.1.2. Хизматларни мазкур Шартноманинг 1.3.-бандида кўрсатилган муддатда тўлиқ ҳажмда кўрсатиш.

2.1.3. Агар Ижрочи Хизматлар кўрсатиш жараёнида Шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштирадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, Буюртмачининг талабига асосан барча аниқланган камчиликларни 3 кун ичида текинга бартараф этиш.

2.1.4. Ижрочи Хизматларни бажариш бўйича ишни шахсан бажариши шарт.

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

2.2.1. Хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайдан бошлаб 10 кун ичида мазкур Шартноманинг 3-бандида кўрсатилган баҳо бўйича Хизматларга ҳақ тўлаш.

2.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Ҳар қандай вақтда Ижрочининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажарилаётган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

III. Шартнома баҳоси ва ҳисоблашишлар тартиби.

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси: 197 000 000 (бир юз туксон етти миллион) сўмни ташкил этади.

(лойиха смета, тендер буйича ёки узаро келишувга кура).

3.2. Буюртмачи амалдаги қонунчиликда кўрсатилган миқдордан кам бўлмаган, яъни 30 % фоиз аванс тўловини олдиндан Ижрочи ҳисоб рақамига ўтказиб беради. Қолган 70% миқдордаги тўловни бажарилган ишлар қабул қилиб олгач курсатилган хизматга счёт фактурага асосан ўтказиб беради.

IV. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. Мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган Хизматлар муддатини бузганлиги ҳамда Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар уз вақтида бартараф этилмагани учун Хизмат курсатувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар

бир кун учун 0.5 фоизи микдориди пеня тўлайди бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2. Тарафларнинг Мазкур Шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

4.3. Нуксон ва камчиликларни тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

V. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.2. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Хўжалик судида ҳал қилинади.

VI. Форс-мажор ҳолати

6.1. Форс-мажор ҳолати, яъни томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар (ёнгин, сув тошқини шу каби енгиб бўлмайдиган кучлар) юз берган тақдирда мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун жавобгарликдан озод этилади.

VII. Яқуний қоидалар

7.1. Мазкур Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, Тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланганидан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.

7.2. Мазкур Шартнома икки нусхада тузилиб, иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Шартномани амал қилиш муддати 2022 йил 28- Февралгача амал қилади.

Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

"Ижрочи"

«ICE MILK» МЧЖ

(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Наманган ш Усмон носир куча Хабийбий хийбони

Тел./факс __+99899 917 50 00


X/P:20208000200234684001

Банк номи: ДТ.Халк банки Нам шах булими

МФО: 00711 СТИР: 302634561

ОКОНХ _____

Рахбар:


(имзо)

М.Ў.

(Ф.И.Ш)

Б.Ақпаралиев



Хушхушлик
Абдуллаев. М. Муай

"Буюртмачи"

Наманган Давлат Университети Академик лицейи

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Наманган шаҳри Бобуршоҳ куча 162 а уй

Тел./факс 228-62-33

Шхв: 100110860144017090500079001

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 202692827

ОКОНХ 92120

Газначилик бўлинмаси номи Наманган вилояти
Газначилик булими

Газна х/в 23402000300100001010


Банкнинг номи ХККМ МБ

МФО: 00014 газначилик

бўлинмаси СТИРи: 201122919

Рахбар:

Д.Ҳақимов
(лавозим) (Ф.И.Ш)



Худудлар: 